Тошкент давлат аграр университети
ректорининг 2020 йил 30 мартдаги
1-9-6/264- сонли буйруғига
4-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ**

# ТАЛАБАЛАРНИНГ МАСОФАВИЙ КУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

*(талабалар учун)*

Тошкент -2020

# Кириш

Масофавий таълим платформаси профессор-ўқитувчиларга платфома орқали таълим бериш имкониятини беради. Бундай ёндашув мулоқотнинг бир неча воситаларини биргаликда ишлатилиши туфайли анъанавий усулларнинг самарадорлиги ошади. Ахборот ресурсларидан ўқув жараёнида фойдаланиши ихтиёрий масофавий ўқитиш тизимининг асосий компонентларидан бири саналади. Мазмун ва шакл жиҳатдан юқори даражали ўқув материаллар мустақил таълим жараёнини рағбатлантириш ҳисобига ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқитишнинг масофавий шакли, биринчи навбатда, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқага таянади.

Ушбу методик қўлланма барча Тошкент давлат аграр талабалари учун мўлжалланган бўлиб, Масофавий таълим платформаси билан таништирилади. Шу билан бир қаторда, айнан масофадан ўқиш учун мазкур платформанинг барча имкониятлари ва курс элементларидан қандай тўғри фойдаланиш мумкинлиги ҳақида батафсил баён этилади.

Муаллифлар:

Ботиров Олим — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази директори.

Расулов Саодатдин – Тошкент давлат аграр университети Ахборот технологиялари маркази

Минавваров Мардон - Тошкент давлат аграр университети Ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи

Атабаев Маъруф – Тошкент давлат аграр университети Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи

Мустафакулов Даврон - Тошкент давлат аграр университети Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи

## Масофавий таълим тизими ҳақида умумий йўриқнома

Ушбу методик қўлланма Тошкент давлат аграр университети талабалари учун мўлжалланган бўлиб **масофавий таълим** тизимидан (moodle.tdau.uz) фойдаланиш бўйича таништирилади. Шу билан бир қаторда, айнан масофадан ўқиш учун мазкур платформанинг барча имкониятлари ва курс элементларидан қандай тўғри фойдаланиш мумкинлиги ҳақида батафсил баён этилади. (1-расм)




**1-расм. Масофавий таълим платформа интерфейси**

Ушбу платформанинг ўнг томонида жойлашган блокда фойдаланувчининг "**Логин**" ва "**Пароль**" киритилиб курсга кирилади. (2-расм)




**2 – расм. Фойдаланувчининг Логин ва Паролини киритиш интерфейси**

Мазкур платформада Логин ва Пароль киритилгандан сўнг қуйида келтирилган ойнада билим олувчининг шахсий саҳифаси намоён бўлади. “Курслар” тугмаси босилганда талаба томонидан рўйхатдан ўтилган курслар рўйхати тўғрисида маълумот берилади. (3-расм)




**3- расм. Талабанинг шахсий саҳифаси**

Ушбу ойнада Талаба ўзи тўғрисидаги барча маълумотларни **“Личный кабинет”** да шахсан талабанинг электрон ўқув курслар тўғрисида барча маълумотлар намоён бўлади. Билим олувчи томонидан рўйхатидаги мавжуд ўзлаштирилаётган ўқув курси **(Текущие)**, кутилаётган ўқув курс **(Предстоящие)** ҳамда тугатилган ўқув курси **(Прошедшие)** ҳақида барча маълумотларни билиши мумкин. (4- расм)




**4-расм. Шахсий саҳифадаги мавжуд курслар ойнаси**

Чап томондаги панелнинг **“Календарь”** тугмаси босилганда, Ўқитиувчи томонидан яратилган электрон ўқув курсдаги вазифалар, ўқув машғулот жараёнида билим олувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган топшириқларнинг муддатлари билан танишиши мумкин. (5- расм)




**5- расм. Шахсий саҳифадаги “Календарь” интерфейси**

Шахсий саҳифадаги кейинги **“Личные файлы”** ойнасида Талаба ўзининг шахсий файллари (.pdf, .doc, .jpeg) форматларида зарур файлларини жойлаштириши ва сақлаши мумкин. (6- расм)




**6-расм. Шахсий файлларни сақлаш ойнаси**

Панелдаги сўнгги **“Мои курсы”** тугмаси босилиши билан талабанинг Масофавий таълим платформаси рўйхатидан ўтилган муайян фан ўқув курси ойнасига ўтилади. (7- расм)




**7 – расм. Электрон ўқув курс ойнаси**

Мазкур панелнинг **“Участники” – (Қатнашувчилар)** ойнаси бўлиб бунда билим олувчи курсдаги бошқа ўқув курс талабалар ҳақидаги маълумот:“Талабаларнинг роли”, «Гуруҳ рақами» ва «Талабанинг платформага сўнгги ташриф муддати» баён қилинади. (8 – расм)




**8 – расм. Ўқув курс тингловчилар ҳақида маълумот**

Панелнинг навбатдаги бўлими **“Оценки” – Баҳолар** бўлиб, курс иштирокчиларининг ҳисоботи, яъни бу бўлимда билим олувчи томонидан бажарилаётган ҳар бир топшириқ элементи баҳоланиши, йиғилиб борилаётган фоиз кўрсаткичлари, ўртача миқдорда йиғилиб борилаётган балл, курс яратувчиси томонидан билдирилган фикр ва ҳар бир билим олувчига қўйиладиган умумий балл устунларини қамраб олади. (9- расм)




**9- расм. Курс тингловчининг умумий баҳолаш кўрсаткичлари**

Шахсий саҳифадаги қулайликлардан кейингиси бу Курснинг тиллари элементи яъни муайян фанни ўқиш мобайнида платформа элементи номларини исталган тилга созланади. Булар: **Инглиз (en), O'zbek (o'z) ва Рус (ру)** тилларида намоён бўлади. (10- расм)




**10- расм. Шахсий саҳифадаги курс элемент тилларини созлаш**

Мазкур ойнадаги кейинги қулайлик бу **"Меню сообщении"**, яъни бу тугма босилганда қуйидаги ойна очилиб, бунда Талабалар ўзаро ўқув курс давомида курс ҳақида маълумотлар алмашишни амалга ошириш имкониятини тақдим қилувчи мулоқот майдони пайдо бўлади. (11 – расм)




**11 – расм. Шахсий саҳифадаги Мулоқот майдони**

Панелдаги Тингловчининг сурат устига босилганда **“О пользователе”** – фойдаланувчи тугмаси ҳисобланиб, бунда Курс тингловчиси ўзи ҳақидаги барча маълумот билан танишади. (12 – расм)




**12 – расм. Курс тингловчиси тўғрисида маълумот ойнаси**

Кейинги **“Настройки”** тугмаси бўлиб, бунда билим олувчи томонидан созлаш яъни ўзи ҳақидаги маълумотни ўзгартириши ҳаттоки, логин, паролларни қайта ўрнатиш, блогларни созлаш имкониятларини тақдим қилади. (13 – расм)




Мазкур курс “**Falsafa**” электрон ўқув курси бўлиб, курсни бошлашдан аввал зарур эълонлар, фан дастури, ишчи дастур, йўриқнома ва қўшимча адабиётларни ўз ичига қамраб олади. (13-расм)




**13- расм. Электрон ўқув курс ҳақида умумий маълумотлар**